



2016/05 №38

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

IJOДИY PARVOZ

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

ДАЛИЛЛАР СЎЗЛАГАНДА...


Хотиралар воқеа-ҳодиса, аниқ далиллар билан, қадр-қиммат инсон фазилатлари-ю амалга оширган эзгу ишлари билан ёдда сақланади. Шу боис, ҳар йил 9 май ўтганлар руҳи, аждодлар жасорати алоҳида эсга олиниб, ёши улуглар зиёратига борилади, қавм-қариндош дийдорлашиб, ҳол-аҳвол сўралади. Бу ҳам бўлса, ўзбек менталитетига хос жиҳатлардан. Ушбу куннинг 1999 йил 2 март Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан «Хотира ва қадрлаш кунини» сифатида белгиланиши бежиз эмас, албатта. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Юртдошларимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаларини янада аниқроқ тасаввур қилиш учун далилларга «қулоқ тутиш» кифоя. 1941 йил Ўзбекистон аҳолиси жами 6,5 миллион кишини ташкил этиб, 1.433.230 киши урушга сафарбар бўлган. Кейинчалик Берлинни ишғол этгани учун ўзбекистонлик жангчилардан 1706 киши, Фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилганлиги учун 109208 нафар ҳамюртларимиз медал билан тақдирландилар.

Жами икки юз мингдан ортиқ етим болалар ўзбек оилаларида бошпана топиб, ота-она меҳрини ҳис этишди. Турли миллатларга мансуб 14 болани фарзандликка олган тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шомаҳмудов ва аёли Баҳри Акрамовалар кўрсатган юксак бағрикенглик бунинг ёрқин далилидир.

Уруш йилларидаги ўзбек санъаткорларининг мислсиз фидойиликларини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Хусусан, маҳсус тузилган 30 дан ортиқ концерт бригадалари республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда, 15 мингдан зиёд госпиталларда 10 мингга яқин концерт уюштирдилар. Мазкур томоша дастурлари жангчилар кўнглига руҳий далда ва шижоат бағишлагани, шубҳасиз. Уруш мавзусидаги «Даврон ота», «Ўзбекистон қиличи» мусиқали драмалари, «Улугбек» ва «Маҳмуд Торобий» опералари, мардлик, жасорат ҳақидаги «Босқинчиларга ўлим», «Жаловиддин» пьесаларининг саҳналаштирилиши ҳам ўша йиллари миллионлаб кишилар қалбига умид олиб кирган бўлса ажаб эмас. «Икки жангчи», «217-рақамли одам», «Ватанга совға», «41-йил олмалари», «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри» сингари фильмлар орқали уруш даҳшатлари, оддий инсонлар жасорати бадий талқинда очиб берилди.

Албатта, рақамлар шарҳини яна давом эттириш мумкин. Бироқ булар шунчаки факт ёки саноқлар эмас, балки жонли тарихдан гувоҳлик берувчи, биз ҳамиша хотирада сақлаб, қадрлашимиз зарур бўлган қахрамонликлар акс садосидир. Шояд, оний лаҳзалик умрни халқи учун бағишлаган кимса борки, эъзозга, ардоқланишга лойиқ.



Хотира - келажакнинг юраги

«Елкамизга шамол тегадиган кунлар келди, болам!» Шу гапларни гапирган бобомни бугун негадир энтикиб эслайман, бўғзимга йиғи тикилади. Эссиз бобом, бироз нотўғри гапирган экан, аслида, «елкаларингга шамол тегадиган кунларда яшайсан, болам», — деса нақадар тўғри бўлар эди. Ўз даврининг оғир хотираларини елкалаб кетди бобом. Эсимда бор, бир пайтлар ўзига ўзи гапиргандек ҳикоя қилиб берар эди ёшлик йилларини. «Болалигимда отам урушга кетган эди. Олти бола уйда, далада куймаланиб юрадиган онаму, бувимга қолиб кетгандик. Баъзан онам далада бўлганда кичкина бўлганим сабаб эркалик қилиб, тинмай бувимдан нон беришини талаб қилардим. Бувим мени овутарди — жиндек сабр қилсанг оймомо чиқади, кейин сенга нон беради. Ишонганимдан осмонга термулиб ётиб, ухлаб қолардим. Тонгда зогора нон берарди бувим оймомо сенга ташлаб кетди деб, аммо шу бир бурда нон онамга қанчалар қимматга тушганини билмас эдим. У ўз насибасини менга бериб далага оч кетар эди... (кўзёшлари юзига томиб) Бугун сизлар ойга нон узатиб турибсизлар. «Оймомо, нон ейсанми?!», деб». Шундай дея дастурхоннинг четига тўкилган нон ушоқларини териб ер эди.

Уруш!!! Ўзбекнинг, инсоният тамаддунининг энг аянчли хотираси. Иккинчи жаҳон уруши йилларида мамлакатимизнинг 6,5 миллионга яқин аҳолисидан 1,5 миллионини исиз ўзи билан ўтмишнинг қонли кўрғонига олиб кетган. Ҳозир бу рақамларни айтиш осон.

Баъзиларнинг оғзининг буржидан чиқиб кетаётган бу рақамларнинг асл моҳияти одамни ларзага солади. Агар уларнинг ҳар бирини орқасида қолган оиласи, фарзандлари, севган ёрини ҳисобга олса, бу миллатнинг барча аҳолисини ташкил қилади ахир!!! Шу боисдан Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилинди, Ғалаба кунини деб эмас. Чунки, урушда ғолиблар бўлмайди!!! Бугун шу кунларга етиб келганимизга сабаб бўлган аждодларимиз хотирасини қалбда қадрламоқ мамлакатимизда яшаётган 31,5 миллион халқимизнинг ҳам қарзи, ҳам фарзидир.

Бугун Хотира майдонига борар эканмиз ифтихор билан айтмоғимиз зарурки, бизнинг ота-боболаримиз қандайдир дохий ёки СССР давлати учун эмас, ортида қолган авлодининг ёрқин келажаги учун жангга кирган. Бунга асос қилиб Россияда чоп этилган «Комсомолская правда» газетасида 90 ёшли бир отахон айтган сўзларини келтиришимиз мумкин: «Мен ҳеч қачон «Сталин учун» деб ҳужумга отилганим йўқ, умримда бундай гапни айтмаганман!».

Ана ўша сўздан келиб чиқиб бугун ҳар биримиз айтмоғимиз жоизки, «Биз мажбурият юзасидан ёки дунёга кўз-кўз қилиш учун Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаётганимиз йўқ. Бу бизнинг инсонийлик бурчимиздир!!!»

Сарвиноз САКСОНОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси

Онаник ва болалик — келажакка масъулият

Бир қатор нуфузли халқаро институтлар маълумотида кўра, Ўзбекистон дунёда хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётгани бизни қувонтиради.

Юртимизда ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт масканларида ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятининг яратилгани, шунингдек, она ва бола скрининги фаолияти яхши йўлга қўйилгани натижасида гўдакларнинг нуқсон билан туғилиши йилдан-йилга камайиб бораётгани ҳам тиббиётда олиб бораётган ислохотлар самарасини кўрсатади.

Оила кодексига биноан 2000 йилдан

бошлаб «Соғлом авлод дастури» асосида юртимизнинг барча жабҳаларида никоҳ қуришдан олдин ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ёш оилалар учун дастлабки беш йил мобайнида диспансер назоратини ташкил этиш ишлари



ҳам тўғри йўлга қўйилган. Зеро, Юртбошимиз томонидан 2016 йилни «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши, яъни юртимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қарал

лаётгани, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайди. Ана шу улуг ишга сафарбар бўлиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланмоғи керак.

Муҳаррам БОЗОРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси

«ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИ ТАРИХИЙ МЕРОСИДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ»

МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ

КОНФЕРЕНЦИЯ



Зиё таратувчи Шарқ доимо дунё эътиборини ўзига қаратиб келган. Шу нуқтائي назардан олиб қаралганда, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-назарий ва амалий конференциянинг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Шарқ Ўрта асрларда *Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, ал-Мотуридий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, Мирзо Улуғбек, Алоуддин Али Қушчи, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад*



Бобур каби буюк алломаларни туҳфа этди. Орадан қанча асрлар ўтмасин, ҳамон улар қолдирган мерос, тажриба ва кашфиётлар барча замонлар илм-фани учун асос бўлиб келмоқда. Йирик ҳажмдаги ушбу бой меросни сақлаш, ундан оқилона фойдаланиш ва кейинги



авлод вакилларига мерос қилиб қолдириш бурчи устуворлиги халқаро анжумани ташкил этишга туртки берди. Мазкур тадбир институт тарихидаги биринчи халқаро конференция бўлиб, юксак марралар сари қўйилган илк олға қадамдир.

Конференцияни институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев кириш сўзи билан

очиб бергач, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов сўзга чиқди ҳамда анжуман иштирокчиларига табрик сўзини йўллади. Шундан сўнг Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети ректори Алиева Фарах Ширмаммед гызы, Париж мусиқа ва рақс Олий миллий консерваториясидан Дилан Корлей, Озарбайжон давлат маданият ва санъат университети магистратура ва доктарантура бўлими мудир Алиева Егяна табрик сўзларини изҳор қилиш билан биргаликда ўз маърузаларини тақдим этишди.



Конференцияда Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти етакчи профессор-ўқитувчилари, ёш олимлари, катта илмий ходим-изланувчилари, мустақил изланувчилар ва магистрлар, хорижий мамлакатларнинг маданият ва санъат йўналишларидаги таълим муассасалари вакиллари — Қозоғистон маданият илмий-тадқиқот институти Бош директори Хазбулатов Андрей, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири вакиллари, Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази мутаасаддилари,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Санъатшунослик институти вакиллари, мамлакатимиздаги турдош олий таълим муассасаларидан вакиллар ва соҳа мутахассислари иштирок этишди. Очилиш маросимидан сўнг анжуман иштирокчилари тўртта шўъбага бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди.

Институт Илмий ишлар бўйича проректори Гўзал Холиқулова конференция муҳокамаси ва резолюциясини қабул қилиш маросимини очиб бергач, шўъба модераторлари анжуман фаолияти бўйича якуний хулосаларини тақдим этдилар. «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий ғояларининг ватан ва жаҳон мусиқа маданияти

ривожига таъсири» мавзусидаги I шўъба фаолияти якуни бўйича О.Иброҳимов, «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари асарларининг театр санъати ривожланиши жараёнларини англаш ва тафаккур қилишдаги роли» мавзусидаги II шўъба фаолияти якуни бўйича О.Ризаев, «Ўзбекистонда номоддий маданий меросни асраш ва ривожлантириш масалалари» мавзусидаги III шўъба фаолияти якуни бўйича Ў.Тошматов, «Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг санъат ва маданиятни ривожлантириш масалаларидаги қарашлари» мавзусидаги IV шўъба фаолияти



улкан кучнинг маркази ва чин маънодаги маконидир. Бу масканда барча санъат турлари ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда равнақ топиб боради.


Конференциядан кўзланган мақсад Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқ алломаларининг санъат, маданият, мусиқа, тасвирий санъат, архитектура соҳаларидаги тадқиқотлари асосида яратган рисолаларини чуқурроқ ўрганишни ташкил этиш, улар томонидан эълон қилинган илмий натижаларни кейинги даврларда бутун дунёда илм, фан ва маданиятнинг деярли барча соҳаларидаги ривожланиши учун асос бўлганини исботлаш ва бу орқали ёшлар онгида миллий гурурни шакллантиришдан иборат.

Конференция географик жиҳатдан кенг қамровда ўтгани аҳамиятга молик



бўлиб, анжуманда иштирок этган мамлакатларнинг барчаси билан алоқаларимиз дўстона ва самимий эканлигини яна бир бор исбот этди.

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари»



мавзусидаги халқаро илмий-назарий ва амалий конференция институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар ижодий ишларидан тузилган концерт дастури билан якунланди.

Моҳинур АҲМАДЖОНОВА
Театршунослик таълим йўналиши
2-курс талабаси



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ И ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ «ВОПРОСЫ ИСКУССТВА И КУЛЬТУРЫ В ИСТОРИЧЕСКОМ НАСЛЕДИИ УЧЕНЫХ И МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА СРЕДНИХ ВЕКОВ»



21 апреля 2016 года в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана прошла первая Международная научно-теоретическая и практическая конференция на тему «Вопросы искусства и культуры в историческом наследии ученых и мыслителей Востока средних веков». Целью данной конференции являлось углубленное изучение богатого научного наследия ученых и мыслителей Средневекового Востока в области искусств и культуры. Темы докладов были посвящены различным аспектам духовного наследия ученых и мыслителей

Востока средних веков на материале фольклорных, литературных, педагогических источников. Особенностью данной конференции была теснейшая связь исторического наследия с современностью, поэтому часть выступлений раскрывало актуальные проблемы сферы искусств и культуры с позиции нашего времени, но с учетом того духовного багажа, который был оставлен великими деятелями, мыслителями Среднего Востока.

В конференции приняли участие ведущие преподаватели, молодые ученые, старшие научные сотрудники, независимые исследователи, магистранты нашей Республики и представители зарубежных учебных заведений культуры и искусства.

На конференции продуктивно работали четыре секции:

- Влияние научных идей ученых и мыслителей средневекового Востока на развитие отечественной и мировой музыкальной культуры;

- Роль научных изысканий ученых и мыслителей средневекового Востока в процессе осмысления театрального искусства;

- Взгляды ученых на вопросы, связанные с нематериальным духовным наследием;

- Ученые средневекового Востока об искусстве и динамике его развития и влияния на процесс формирования творческой личности.

Заседания секций были оживленными, эффективными, творческая атмосфера позволила сформулировать ценные рекомендации использования духовного наследия Среднего Востока в дальнейшей научно-исследовательской и преподавательской деятельности.

Особого внимания заслуживает то, что результаты исследований и научные труды выдающихся ученых и мыслителей средневекового Востока в течение нескольких столетий служили важными источниками знаний в ведущих университетах Европы и не теряют своей актуальности и в настоящее время. Данная конференция предоставляет нам возможность не только оглянуться назад, широко использовать знания, мудрости и достижения прошлого, но и с их помощью построить устойчивое будущее для всех.



Шахноза САРИБАЕВА
Магистрантка Государственного института искусств и культуры Узбекистана



К юбилею Муталья Бурханова готовится вся общественность и весь музыкальный мир Узбекистана, состоятся: научные конференции, концерты. Муталь (Мутаваккил) Музаинович Бурханов композитор XX века, народный артист Республики Узбекистан, лауреат Государственных премий, член союза композиторов Узбекистана, профессор, автор Государствен-



ного Гимна Республики Узбекистан, произведений, имеющих художественную ценность. В 1999 году награжден орденом «За заслуги».

Муталь Бурханов родился 5 мая 1916 г. в Бухаре — священном городе с замечательными многовековыми традициями. Творческий путь композитора и история

нашего государства связаны неразрывными нитями. Окончив Самаркандский институт музыки и хореографии. В годы второй мировой войны добровольцем отправился на фронт. После тяжелого ранения вернулся в Ташкент.

М.Бурханов является одним из основателей узбекской композиторской школы, обогатившим национальную культуру новыми темами и жанрами. Достойное место в сердцах людей заняли место такие его крупные сочинения, как опера «Алишер Навои», рекем «Вечная память», музыка к художественным фильмам.

Шесть народных песен в обработке М.Бурханова без сопровождения: две каракалпакские — «Бибигул», «Айралик»; две узбекские — «Гузаль кизга», «Ёрларим»; две таджикские — «Заррагуль», «Сарикохи баланд» звучат в репертуаре студенческого хора «Нихол» нашего института под руководством профессора Кадры Таировича Мирзаева (хормейстер Феруза Мансурбекова, концертмейстер Жанна Пак).

Каждое произведение Мутаваккила Бурханова привлекает своим совершенством, проникновенностью, народной самобытностью и мелодическим богатством, находя горячий отклик в сердцах слушателей, доставляя эстетическое наслаждение, духовно обогащая и пробуждая к творческой деятельности.

Татьяна СЕДЫХ
Старший преподаватель кафедры
Музыкально-теоретические дисциплины

БАРКАМОЛ АВЛОД БЎЛСИН, ЎЗБЕКИСТОН БОЛАСИ!

Биламизки, гўдаклигидан алла, мумтоз куй ва қўшиқларимизни тинглаб улғайган боланинг онги маза-матраси йўқ, шовқин-сурондан иборат гарбона оҳанглардан йироқ бўлади.

Яхши куй-қўшиқ эшитган бола қўлларини ўйнатиб, чиройли табассум қилади. Тўғри, мурғак вужуднинг бу ҳаракатлари онгсиз содир бўлади. 5-6 ёшларга бориб, болани рақс тўғаракларига олиб борилса, у миллий рақсларимизнинг чиройли ҳаракатларини ўргана бошлайди, бу эса унга нафақат рақс ижро этиш, балки қоматни тўғри тутиш, тўғри юриш ва бошқалар орасида ўзини эркин ва чиройли тутишни ўргатади. Шундай қизалоқлар орасида



иқтидорлилари ва рақсга кўнгил қўйганларининг завқу шавқ билан рақсга тушаётганини кўриб, кўзи қувнайди кишининг. Фарзандларимизни ёшлигиданоқ миллий куй-қўшиқларимиз, ибо ва ҳаё билан йўғрилган рақсларимизга қизиқтира олсак, уларни «оммавий маданият», фақш ва зўравонликни тарғиб этувчи интернет сайтлари, фильмлар ҳамда гарбона оҳанглар таъсиридан асраб қолган бўламиз.

Президентимиз томонидан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши, жамоатчилик ташкилотлари, қолаверса ота-оналарнинг олдида бир қатор вазифаларни қўяди. Шундай вазифаларнинг асосийларидан бири болани нафақат жисмонан, балки ақлан ва маънан соғлом қилиб тарбиялашдир. Бунинг учун мамлакатимизда албатта барча шароитлар яратилмоқда. Болалар спорт мактаблари, мусиқа ва хореография мактабларининг ҳар бир туманда ташкил этилиши бунга мисол бўла олади.

Саида ЗОКИРОВА
Саҳна ҳаракати кафедраси ўқитувчиси

УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ

Куни кеча институтимизда «Хоразм дoston кечаси» деб номланган бадий-музика кеча бўлиб ўтди. Музика кечада Хоразм дostonлари



ижрочилиги вакиллари билан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Халқ ижодиёти ва анъанавий кўшиқчилик кафедраси доценти Отажон Матёкубов ва шогирдлари иштирок этдилар. Тадбир давомида ижро этилган дoston парчалари томошбинларни ҳайратда қолдирди. Отажон Матёкубов ва шогирдлари дoston парчаларини жонли равишда маҳорат билан ижро этишди. Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети профессори Омонулла Мадаев сўзга чиқиб, Хоразм дostonчилиги анъаналари давом этаётганини кўриб қувонганини таъкидлаб ўтди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ректори

Бахтиёр Сайфуллаев сўзга чиқиб, Отажон Матёкубов 85 ёшни қаршилаганига қарамасдан, шу кунгача 4636 дostonни ижро этганини ва биз ёшлар устоз ва шогирд анъаналарини давом

этирган ҳолда улардан ўрнатилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.

Тадбирдан кўзланган мақсад бугунги кун ёшлари маънавияти ва маданиятини шакллантиришда ижро этилган дostonларнинг мураккаб ва шонли тарихимиз ёрқин саҳифаларини очиб бериш, бугунги ҳаёт воқелигини, орзу-умидларимизни акс эттириш, ёшларга намуна бўладиган қаҳрамонларни ибрат қилиб кўрсатишдан иборат.

Дилобар СУЛТОНОВА
Маданиятшунослик мутахассислиги
1-курс магистранти,
Камолитдин ИСАЕВ
Фольклор ва этнография
мутахассислиги 1-курс магистранти

ДЕНЬ РАДИО — ВСЕМИРНЫЙ ПРАЗДНИК ИНФОРМАЦИОННЫХ ВОЛН

Начало мая, а именно 7 число, вошло в историю мировой науки и техники как День рождения радио. Именно 7 мая 1895 года физик и исследователь А.Попов сделал научный доклад о новом методе беспроводной передачи электрических сигналов с использованием радиоволн и провел первый публичный сеанс радиосвязи. Спустя год, А.Попов представил широкой общественности первый прибор, способный передавать радиосигналы, переслав на расстояние около 250 метров радиogramму, которая состояла всего из двух слов: «Генрих Герц» (Генрих Герц — знаменитый немецкий физик, основоположник фундаментальной электродинамики).

Стоит отметить, что у праздника есть и еще одна памятная дата: в честь первой радиотрансляции Генерального Штаба ООН, которая состоялась 13 февраля 1946 года, по решению ЮНЕСКО 13 февраля ежегодно отмечают Всемирный день радио.

Кто является изобретателем радио, спорят до сих пор. На эту честь претендуют: Малон Лумис (США), Генрих Герц (Германия), Дэвид Хьюз (США), Томас Эдисон (США), Гульельмо Маркони (Италия), Александр Попов (Россия), Никола Тесла (Сербия), Якуб Наркевич-Йодко (Беларусь), Эдуард Бранли (Франция) и другие. Но всё же первую радиogramму в мире послал изобретатель Александр Степанович Попов.

Споры спорами, а представить свою повседневную жизнь без радио довольно рудно. Мы слушаем музыку, новости, беседы и интересные интервью на

различных радиостанциях, практически каждый день. Аудитория слушателей в Узбекистане очень обширна как по количеству, так и возрастной динамике. Каждый житель нашей страны имеет возможность «настроиться» на любимую радиостанцию. Для молодежи вещают музыкально-развлекательные каналы, для людей среднего возраста, интересующихся новостями и событиями в стране и мире, есть новостные каналы. А людям солидного возраста всегда есть, где и когда послушать интересные передачи и ретро-музыку. Несколько интересных фактов о радиовещании:

1) В нашей стране 11 февраля 1927 года начала свою деятельность первая широкопередателная радиостанция «Узбекистан» на узбекском, русском, таджикском, казахском, каракалпакском и других языках.

2) Французский вирусолог Люк Монтанье (лауреат Нобелевской премии по борьбе с ВИЧ и СПИД) впервые предположил ещё в 2009 году, что бактерии могут общаться друг с другом с помощью радиоволн.

3) Первое вещание радио в интернете начал Карл Маламуд в 1993 году. Название у станции было «Internet-TalkRadio».

4) Термин «Мыльная опера» был придуман именно на радио. Название произошло от того, что в ранних радио-спектаклях, размещалась реклама мыла известных марок.

Наталья ЮСУПОВА
Педагог кафедры Звукоорежиссуры и
телеоператорское искусство

МАНГУ МЕРОС ВА ЁШЛАР

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти билан ҳамкорликда «Ўзбекис-



тон номоддий маданий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Халқ ижодиёти ва анъанавий кўшиқчилик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди Ойгул Аҳмедованинг А1-011-рақамли «Номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларини таълим тизимида татбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Тадбирда Ўзбекистон Давлат санъат



Санъатнинг барча турлари буюк бир санъатга — дунёда яшаш санъатига хизмат қилади.
(Б.Брехт)

Санъатнинг асосий вазифаси — тарбиялашдир. Айнан шу тарбиялаш деган сўз санъат асарларини меъёрий қоидаларга солиб туради. Аслида, санъат инсонларни тўғри йўлга бошлаб, тарбиялаб, комиллик сари етакловчи асосий омиллардан бири эмасми?! Баъзи ижодкорлар санъатнинг айрим жиҳатларига эътибор бермайди. Лекин эътибор бермаганларимиз инсонлар тақдирини ўзгартиришга сабаб бўлади. Чунки инсонлар биз суратга олаётган фильмлар, сахналаштиратган спектаклларни кўриб, кўшигу рақсимиз, китобимиздан баҳраманд бўлиб яшайди. Орзу умидларини, режаларини шуларга қараб танлайди ва интилади. Биз модимики, меҳнат маҳоратимиз жо бўлган ижод намуналаримизни инсонлар юракларига етказолмасак, қандай қилиб ўзимизни санъат кишисиман деб атай оламиз?! Ваҳоланки, ҳаёт жуда қисқа экан, биз уни саёз китоблар, кино, спектакль ва кўшиқлар билан исроф этмаслигимиз керак.

Бахтиёр БОЛТАЕВ
Эстрада ва оммавий томошалар
режиссёрлиги таълим йўналиши
4-курс талабаси

ва маданият институти профессор-ўқитувчиларининг номоддий маданий мерос ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, таълим тизимидаги аҳамиятига бағишланган маърузалари тингланди.

Тадбир давомида «Дурдона», «Нодира-бегим», «Дуру жаҳоҳир» фольклор-этнографик ансамбллари ижросидаги халқ кўшиқлари ва лапарлар гулдастаси йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Асатилла СУННАТИЛЛАЕВ
Фольклор-этнографик жамоаларига
раҳбарлик таълим йўналиши
4-курс талабаси



Даврон ХУДОЙНАЗАРОВ
Халқ ашула ва рақс
ансамбллари
раҳбарлик таълим
йўналиши
1-курс талабаси

Муҳаббат

Хайрон бўлди муҳаббат,
Сарсон бўлди муҳаббат,
Иккимизга етолмай,
Бедор бўлди муҳаббат.

Қош қора-ю кун қора,
Бағрим тилкалар пора.
Висол йўқ, ишқ оввора,
Сарсон бўлди муҳаббат.

Кўнгил бору дийдор йўқ,
Учрашмоққа имкон йўқ,
Ҳижрон қийнар соғинч кўп,
Сарсон бўлди муҳаббат.

Севамизу сўз демай,
Кутамизу йил билмай.
Ошиқман сендан тонмай,
Ҳижрон бўлди муҳаббат.

Дуўтар



Дуўтаримнинг тарларинда сырли намалар,
Кейилдеги қосықларын ортага шарлар.
Шерткенде ҳарекетте назик бармақлар,
Сынғырлаган даўысы жанымга жағар.

Дуўтар намасына салып созлерин,
Сазга қосып қосық айтар бақсылар.
Жақсылыққа жетелеп инсан қыялын,
Кейиллерди толқытар назлы намалар.

Феруза ГАИПОВА
Нўкис филиали Маъденият ҳаёт
кўркем-ўнер мекемелерин
шўлкемлестирив ҳаёт басқарив бўлими
3-курс студенти

Санъат

Кўнгилларнинг чироғи санъат,
Туйғуларнинг титроғи санъат,
Висолини куйласам жўшиб,
Гўёки ёр фироғи санъат.

Юракдаги журъатдир санъат,
Бир илоҳий қудратдир санъат.
Иймон ҳамроҳ бўлса бизларга,
Ҳар қадамда ҳикматдир санъат.

Яҳёхон ФАЁЗ
Саҳна ва экран санъати драматургияси
таълим йўналиши 1-курс талабаси

Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва
маданият институти

Бош муҳаррир
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Рашид УСНАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Умида ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улуғбек
тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsml.uz; dsml_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охири 1афсасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машғал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтининг таҳририят ва нашриёт бўлимида
тайёрланди. Ўлчам — А3, ҳажми — 2 босма табоқ,
Нусхаси — 1400 дон. Баҳоиси келишилган нарҳда.
Чоп этишга 04.05.2016 да топширилди.